



2020 у «10» ноябр \_\_\_\_\_

№ Қ-1725 \_\_\_\_\_

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ г

**Тумандаги “Воумоқли зироatchiligi” номли сабзавот полизчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш ва ижарага ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 19 октябрдаги 50-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 19 октябрдаги 50-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Зиёев Соатмурод бошлиқ “Воумоқли зироatchiligi” номли сабзавот полизчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда “Қумқўрғон” массиви “Боботоғ” маҳалла фуқаролар йиғини худудида хўжалик харитасининг 609-дала контурида жойлашган 4,15 гектар, шундан 4,0 гектар суғориладиган экин ер майдони, 0,15 гектар ариқ ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Н.Мўминовга фермер хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз хохишига кўра тижорат банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

6. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур “Воумоқли зироatchiligi” номли сабзавот полизчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокиминини Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров

TO'G'RI  
ZBEKISTON RESPUBLIKAS  
SURXONDARYO VILOYAT  
QUMQO'RG'ON TUMAN  
HOKIMI UMUMIY  
BO'LIM MUDIR